

ШАХСЛАРГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ТАН ЖАРОХАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Бабажанов Бобуржон Радж ўғли

Калит сўзлар: Тан жароҳати, ўлим, бош мия очик синиши, суяк синиши

Аннотация: Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг профилактикаси юзасидан аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги жиноятчиликка қарши курашнинг самарали бўлишигасалбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичлари пасайишига эришилганига қарамасдан, айрим оғир ҳудудларда жиноятчиликнинг кўрсаткичи ошганлиги ҳамда айрим турдаги жиноятларнинг содир этилиши кузатилмоқда.

Annotation: In this graduating moral work, the followings are described the concept of the inspector of prevention for teenage misbehavior, the types of teenage crime prevention, the ways of carrying out these types, their current situations prevention, the analysis of practice of working with teenagers and the similarities and contrasts with them in our national law system, with the approaches to develop the field by using the above-mentioned aspects.

Яъни, республика миқёсида қасддан одам ўлдириш 2015 йилда – 669 тани ва қасддан, кучли руҳий ҳаёжонланиш ҳолатида одам ўлдириш 2016 йилда – 743та, 2017йилда – 593 та, 2018 йилда – 503 та, 2019 йил 493 та, 2020 йилда 508 тани ташкил қилган. Номусга тегиш ва унга суиқасд қилиш эса 2015 йилда – 549 та, 2016 йилда – 447 та, 2017 йилда – 380 та, 2018 йилда – 220 та, 2019 йилда 147 та, 2020 йилда 143 та 2021 йилда 145 та содир этилган⁷. Оила-турмуш доирасида қасддан ўлдириши ва унга суиқасд қилиши таҳлил қилинганида 2016 йилда 2017 йилга нисбатан 4,2%, 2017 йилда 2018 йилга нисбатан 33,9%га камайган бўлса, 2019 йилда 2020 йилга нисбатан 14,5%га, 2021 йилда эса 2020 йилга нисбатан 14,6% кўпайган. Таҳлилларга кўра, шу нарса маълум бўлдики, умумий жиноятларнинг учдан бир қисмини шахсга қарши содир этиладиган жиноятлар ташкил этади. Бу эса, бир йил давомида қарийб 30 мингга яқин фуқароларнинг жиноятлардан жабрланганлигини кўрсатмоқда. ⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.¹¹ Юқоридагилардан келиб чиқиб бугунги кунда республикада жиноятчиликнинг салбий оқибатлари жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб келаётганини кўзатишимиз мумкин. Ана шундай жиноятлар қаторига шахсга қарши содир этиладиган

жиноятлар киради. Дарҳақиқат, ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунчилигида шахсга қарши зўрлик ишлатишнинг бошқа жиноятларга нисбатан кенгроқ шарҳланаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу борада «зўрлик», «зўравонлик» тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «зўравонлик» сўзига зўравонларга хос хатти-ҳаракат; зўрлик, куч ишлатиш⁸деган таъриф берилган. Бу таъриф «зўрлик» сўзининг ҳақиқий маъносини очиқ бермайди, шунинг учун у жиноят-ҳуқуқий мезон сифатида зўрликка изоҳ бериш учун асос қилиб олиниши мумкин эмас. Фиримзча, ҳар бир жиноят «қийинчилик туғдирувчи, аламли, ғайриқонуний ва ўзбошимча» ҳаракат ҳисобланади ва ҳар қандай қасдан қилинган жиноят жамиятнинг мавжуд шароитларига тажовуз қилувчи, инсонларнинг жамиятга қарши хулқидан иборат бўлиб, жамиятдаги мавжуд муносабатлар тартибини зўрлик билан ўзгартиришга уриниш сифатида тавсифланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотинқизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 3- моддасида «зўравонлик– хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)»⁹ , деб берилган. Лексикологиянинг бундай (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) ишончли манбаси бўйича «зўрлик»нинг этимологик таҳлили бу сўзнинг ҳақиқий 8Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). Т.2. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. 167. – б. 9Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 йил., 03/19/561/3680- сон.12 маъносини англатаётган, бир кишининг бошқа бир киши иродаси (хоҳиши)га қарши содир этган қандайдир ҳаракатидан иборат эканини ишонарли исботлаб беради. Аммо ҳар доим ҳам зўрлик ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф бўлмаслиги мумкин. Жумладан, зарурий мудофаа ҳолатида қўлланиладиган зўрлик қонуний ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «зўрлик» сўзига «зўравонлик, адолатсизлик»¹⁰ деган таъриф ҳам берилган. Зўрлик тушунчаситажовузкорлик билан бир хил тушунчадир. Ўзининг ахлоқий мазмунида у нейтрал ҳисобланади. Чунки у ҳам ижобий, ҳам салбий мақсадларга эришиш воситасидир¹¹ . Турли жиноятларни ўзида мужассамлаштирган «зўрлик» тушунчасига изоҳли луғатларида қуйидагича таъриф берилмоқда: «ноқонуний куч ишлатиш, мажбурий равишда, яъни бошқа шахснинг иродасига қарши унга таъсир қилиш»¹²дир. Шу тарзда зўрлик сўзининг лексик маъносини очишда жисмоний куч ишлатишда ифодаланиладиган ўзбошимча ҳаракатнинг ташқи кўринишига эътибор қаратилган бўлиб, бу жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида ўз

ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, жисмоний зўрлик жабрланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатишга олиб келувчи жиноий хатти-ҳаракатнинг усули сифатида олимларнинг илмий ёндашувларига асос бўлган. Шунинг учун ҳам, фикримзча, «зўрлик» атамасини лексик изоҳлаш ёки изоҳли луғатларида берилган мазмуни-маъносини аниқлаш йўли билан унинг жиноят-ҳуқуқий маъносини билиш қийин. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, «зўрлик» сўзининг ҳақиқий, том маъноси, «инсонлар ўртасидаги муайян 10Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). Т.2. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006. 167 – б. 11Антонян, Ю. М. Преступление и наказание. Криминологический-психологический анализ: монография / Ю. М. Антонян, В. Е. Эминов. – М., Норма: ИНФРА, 2014.436 –с. 12Ожегов, С. И. Толковый словарь русского языка / под ред. Л. Скворцова. . – М., Оникс-ЛИТ, 2018. 457– с.13 ўзаро муносабатларни акс эттирадиган бир томони, иккинчи томоннинг хоҳишига қарши йўналтирилган эркин хулқидир»13 . Ўз фикрларини давом эттириб, А.В.Иващенко ва А.И.Марцевлар ўз маъноси бўйича зўрлик билан боғлиқ жуда нозик ва чуқур таклифларни таърифлаб беришади: «яъни, шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг зўрлик сифатида эркин истак билдиришига қарши бевосита қаратилган онгли тезкор фаолиятларни кўриб чиқиш лозим. Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг камдан-кам учрайдиган ўзига хос хусусиятини бирор кишининг эрки-иродасига қарши ҳаракат содир этилиши, эркинлиги чекланиши, унга шикаст етказилиши, деб ҳисоблаш зарур14». Фикримзча, изоҳлаб берилган тушунча ҳар қандай фан, жумладан, жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан зўрликни ўрганиш учун асос бўлади. Шахсга зўрлик ишлатаётганда унга нисбатан қарши қилинган ҳаракатларини зўрлик дейиш нотўғри, чунки у зўрликка барҳам бериш учунгина қарши ҳаракат қилиши мумкин. Шахсга зўрлик атамасининг мазмунига ўзбек ҳуқуқшунослари томонидан «бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўрлаши, куч ишлатиш йўли билан зўрлаши, жабр-зулм қилиши» деб таъриф берилган. Уларнинг фикрича, зўрлик «инсон дахлсизлигини бузиб, жисмоний ва маънавий зўрлаш, жабр-зулм қилиш шаклида бўлиши мумкин»15 . А.В.Наумов зўрлик тушунчасини кенг талқин қилиш тарафдори сифатида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар қаторига эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдиришни ҳам киритган ва бу ёндашувни тўла қўллабқувватлаган16 . Бироқ бу ёндашув Л.В.Сердюк томонидан танқид қилиниб, 13Иващенко А.В., Марцев А.И. Методология правового исследования насилия // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием. – Омск: 1996.4 – с. 14Иващенко А.В., Марцев А.И. Методология правового исследования насилия // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием. – Омск:1996.4 – с. 15 Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Тошкент:

Адолат, 2009. 199. – б. 16 Наумов А.В. Уголовно-правовое значение насилия / В кн. «Насильственная преступность». Под ред. Кудрявцева В.Н. и Наумова А. В. – М., 1997. 58 – с. 14

айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этиладиган жиноятлар учун зўрлик хос эмас¹⁷, деб таъкидлайди. Қ.П.Пайзуллаев ҳам зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар эҳтиётсизликдан эмас, балки қасддан содир этилади¹⁸ деган фикрни илгари суради. Фикримизча, бировга нисбатан онгли равишда зўрлик ишлатиш, унга жисмоний ёки руҳий азоб бериш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларда бўлиши мумкин эмас. Юқоридаги ҳолатда зўрлик чегаралари унинг тушунчасига нисбатан асоссиз равишда кенгайтириб юборилган. Эҳтиётсизликдан одам ўлдириш қонунга хилоф, лекин айбдорнинг ихтиёрий бўлмаган ҳаракати натижасидир. Бу ерда зўрликнинг асосий белгиси бўлган шахсга зиён етказувчининг иродаси етишмайди. Бирор-бир оқибатни истамасдан, балки у ҳақида билмасдан шахс зўрлик ишлатиши мумкин эмас. Фикримизча, зўрлик тушунчаси фақат қасддан содир этиладиган қилмишларга нисбатан қўлланилади. Зотан, айбдор бирор шахсга зўрлик ишлатилаётганини билмаслиги мумкин эмас. Шахс, албатта, қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди. Шунингдек, зўрлик тушунчасига таъриф беришда унинг «хоҳиширодага қарши» содир этилиши каби зарурий белгисига эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз. Бу белгининг зўрликка нисбатан ишлатилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур тушунча жабрланувчига руҳий ёки жисмоний зарар етказилаётгани, унинг хоҳиш-иродасига қарши очикдан-очик ҳаракат қилинаётганини англатади. Аммо ушбу таъриф шахс озодлигини унга зўрлик ишлатмасдан чеклаш (алдаш) ёки ожиз аҳволдаги аёлнинг номусига тегиш каби тушунчаларни қамраб олмайди. Юридик адабиётларда инсоннинг ҳаракати ва эркинлигини чеклашга нисбатан уч хил ёндашув мавжуд. Баъзи олимлар шахс озодлиги, эркинлигини¹⁷ Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., Юрлитинформ, 2002. 14 – б. 18

Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Тошкент: 2009. 18 – б. 15

чеклашни зўрлик, деб ҳисобламайди¹⁹, бошқалар эса, аксинча, уни ҳеч бир чеклашларсиз зўрлик деб ҳисоблайди ва яна бир гуруҳ олимлар ҳар қандай эркин чеклашни эмас, балки инсон танасига жисмонан таъсир этувчи усулдан фойдаланиб эркинликни чеклашни зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳаракатлар қаторига киритади²¹. Шу сабабли биз Қ.П.Пайзуллаев ва Л.В.Сердюкларнинг юқорида билдирган фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларда унинг икки асосий белгиси: «хоҳиш-иродага қарши» ва «мажбурлаш» белгилари мавжуд бўлади. У зўрлик белгиси сифатида «ғайриқонунийлик»ни рад этар экан, бунда зўрлик тушунчасини жуда кенг талқин қилади ва ҳатто бу тушунчани

тарбиявий аҳамиятга эга деб билади. Бунга болани стулга ўтириш ёки ухлашга мажбур қилишни мисол қилиб келтиради. Унинг фикрича, «руҳий зўрлик таъсир этиш воситалари ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Таҳдид белгиси бўйича бундай ҳолатлар даражасини ҳар доим ҳам белгилаб бўлмайди, уларни жисмоний зўрликка ҳам кирита олмаймиз, шунинг учун зўрликнинг кенг тушунчаси бу ерда зарур»²² , деб ҳисоблайди. Ф.Тахиров «зўрлик жинсий зўрликнинг зарурий белгиларидан бири эканини таъкидлаб, ўлдириш билан кўрқитиш ёки баданга енгил, ўртача оғирва оғир шикаст етказиш, жисмоний азоб бериш кабиларда ифодаланиши, жинсий зўрлик жисмоний ҳамда руҳий зўрликни қўллаш билан содир этилиши мумкин»²³ , – деган фикрни илгари суради. Фикримизча, зўрликка 19 Шарапов Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический пресс-центр, 2002. 20 Наумов А.В. Уголовно-правовое значение насилия / В кн. Насильственная преступность. под ред.В.Н.Кудрявцева и А.В.Наумова.– М.,1997.56– с. 21Багун Э.А. Ответственность за побои и истязание по Уголовному кодексу Российской Федерации: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2007. – С.19. Багун Э.А. Ответственность за побои и истязание по Уголовному кодексу Российской Федерации:Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М.,2007.19– с. 22Шарапов Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический прессцентр, 2001.20 – с. 23Тахиров Ф. Жинсий жиноятлар ва уларни квалификация қилиш асослари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2006. 42 – б.16 берилган ушбу таъриф фақат жинсий жиноятларнинг таркиби вачегараларини аниқлаб берган, холос. Л.В.Сердюкнинг фикрига кўра, «зўрлик – шахс томонидан бошқа инсон (бир гуруҳ шахслар) хоҳиш-иродасига қарши ҳолда, органик, жисмоний ёки руҳий жароҳат етказиши мумкин бўлган ҳамда унинг эрки ёкиҳаракатларини ёхуд унинг хоҳиш-иродасини чеклайдиган ғайриқонуний таъсир кўрсатишдир»²⁴ . М.Мусаев эса зўрликнинг ҳуқуққа хилоф, ғайриқонуний эканини алоҳида қайд этади²⁵ . Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг ғайриқонуний зўрлик – уриш, дўппослаш, баданга шикаст етказиш, жисмоний куч ишлатиш, номусга тегиш ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа шу каби ҳаракатларда ифодаланиши мумкин²⁶ . Шунингдек, Б.Тугельбаева зўрликни қонуний ва жиноий турларга ажратишни таклиф қилган²⁷ . Фикримизча, шахсга қарши содир этиладиган жиноятларда зўрлик тушунчасининг жиноят-ҳуқуқий моҳияти унинг ғайриқонуний қилмиш эканини кўрсатади. Шундай экан, зўрлик сўздан олдин унинг ғайриқонуний эканига урғу беришнинг зарурати мавжуддир. Ўз навбатида, мазкур ҳолат қонунчилик техникаси қоидаларига зиддир. Мазкур масалада ЖКнинг 55-моддасида тўғри ечим берилган. Яъни, ушбу моддада «жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий

ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш» жазони енгиллаштирувчи ҳолат эканлиги қайд этилган. 24Сердюк Л.В.Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., Юрлитинформ, 2002. 22 – с. 25Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари.Монография. – Тошкент.:Шарқ, 2011.167– б. 26Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм:Дарслик. / Р.Кабулов, М.Рустамбаев,А.Отажонов ва бошқалар. / Масъул муҳаррир:Ш.Икрамов.– Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,2014.50– б 27Тугельбаева Б.Г. Проблемы предупреждения преступного насилия в отношении женщин: Монография.– Бишкек,2003.19– с.17 Шунини таъкидлаш лозимки, таҳлил қилинаётган тушунча айрим адабиётларда «зўрлик», аксарият адабиётларда «мажбурлаш» шаклида баён этиб келинмоқда. Мажбурлаш – муайян фаолият ёки хатти-ҳаракатни мажбурий тарзда, зўрлаб амалга оширишни ифодаловчи тушунча28дир.Айрим олимларнинг фикрича, мажбурлаш жабрланувчининг яқинларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан,мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан, сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш ва бошқа шу кабиларда ифодаланиши мумкин29. Бошқа адабиётларда ушбу тушунчага мажбурлаш инсон учун исталмаган вазифаларни бажаришга ундаш, уни бирон-бир тарзда ўз эркидан маҳрум қилишни англатади30 , деб таъриф берилади. Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларда руҳий мажбурлаш деганда, шахсни ўлдириш ёки уни жисмоний зўрлаш, зўрлаш ёки унинг бирор-бир ҳаётий манфаатларини бузиш билан кўрқитиб, жиноят содир этишга мажбурлаш тушунилади. Шахсга нисбатан етказилган жисмоний ва руҳий зўрликка илмий докторинал ва легаланиқ таъриф берилиши лозим.Уни фақат жисмоний зарар етказиш билан кўрқитиш белгиси билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Руҳий зўрлик ва жисмоний зўрликбир-бирини тақозо этади ва бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, руҳий зўрликка қуйидагича таъриф ишлаб чиқилади: Руҳий зўрлик – бу соғлиғига шикаст етказиш билан мулкни нобуд қилиш ёки жинойий ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш мақсадида жабрланувчига зўрлик ишлатиш билан уни кўрқитишдир». 28Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2010.276 – б. 29Рустамбаев М.Х. Одам савдоси.–Тошкент: ТДЮИ,2009.19– б. 30Одам савдосига қарши курашиш муаммолари (Монография). / М.Рустамбаев, Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова, Н.Қурбонов./ Масъул муҳаррир:О.Зокирова.– Тошкент:ТДЮИ,2011.63– б.18 Ю.М.Антонян руҳий зўрликни икки асосий гуруҳга бўлади, биринчи гуруҳга– жабрланувчилар, уларга яқин ёки бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига қилинган ва иккинчи гуруҳга–дўқ-пўписа қилиш ва

товламачилик пайтидаги ижтимоий хавфи камроқ бўлган таҳдидларни киритади. Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг руҳий ва жисмоний зўрлик билан бирга, зўрликнинг учинчи турининг кашф этилиши янада мунозаралидир. Унинг фикрича, бу гуруҳни биринчи ва иккинчи гуруҳларга киритиб бўлмайди. Бу гуруҳ мутлақо мустақил саналиб, бунга «интеллектуал» зўрлик киради. Унинг бошқа гуруҳлардан фарқли белгиси шундаки, у мансабдор шахслар томонидан муайян ҳужжатни расмийлаштириш, яъни зўрликнинг ноанъанавий усуллари билан содир этилади³¹. Зўрлик ишлатиш билан боғлиқ жиноятларга қайси жиноятлар мансублиги ҳақида юридик адабиётларда турлича фикрлар билдирилган. «Юридик атамалар қомусий луғати»да: 1) қасддан одам ўлдириш; 2) террористик акт; 3) халқаро ҳимоя ҳуқуқи бор шахсга тажовуз қилиш; 4) қасддан соғлиққа (оғир, ўртача оғир, енгил) зарар етказиш; 5) ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказиш билан қўрқитиш; 6) жабрланувчига жисмоний азоб бериш, ғайриқонуний озодликданмаҳрум қилиш; 7) номусга тегиш; 8) жинсий характердаги зўрлик ҳаракатларини содир этиш; 9) одил судлов ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахсга тажовузқилиш; 10) шахсни гаровга олиш; 31 Ю.М. Антонян. Преступная жестокость. – М., 1994. – С.54–55.19 11) бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш³² зўрлик билан содир этиладиган жиноятлар, деб кўрсатилган. «Юридик энциклопедия»да эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бир қатор жиноятлар мавжудлиги таъкидланиб, улар сирасига: 1) қасддан одам ўлдириш (97-м.); 2) ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-м.); 3) номусга тегиш (118-м.); 4) жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-м.); 5) аёлни жинсий алоқага мажбур этиш (121-м.); 6) зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш жиноятлари киритилган³³.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <http://www.lex.uz> (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi).
2. <http://press-service.uz/uz> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti.
3. <http://natlib.uz> (Alisher Navoiy Nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi).
- 4 <http://akadmvd.uz> (O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi).
5. <http://ziyonet.uz> (ZiyoNET ta’lim portali).
6. <http://utube.uz/ru> (Utube.uz ta’lim videoportali).
7. <http://book.uz/> (Elektron adabiyotlar ku